

Қарздан қутилиш учун айтиладиган зикр-дуолар ва Аллоҳдан ризқ сўраш одоби

05:00 / 17.02.2017 17784

Аллоҳга ҳамд, Пайғамбарлик шарафига лойиқ кўрилган элчиларига салоту саломлар бўлсин!

Қарзни ўташ, ризқ зиёда бўлиши, ризқнинг тезда келиши учун қилинадиган зикр-дуолар ва Аллоҳдан ризқ сўраш одоби. Аллоҳдан дуо билан қандай қилиб ризқ сўралади?

Аллоҳ йўлидаги ҳабибим, Фирдавс жаннати дарсларидан бўлган бу дарсга хуш келибсиз! Бугунги мавзу жуда фойдалидир.

Рисолалар(мактублар)нинг кўпида қарздан қутилиш, ризқ зиёда бўлиш дуолари ҳақида сўровлар, талаблар кўпайгани боис батафсил ҳолда қарздан қутилиш ва ризқ зиёда бўлиши мавзусини жамлаб ёзишга қарор қилдим.

Бунинг аввалида Аллоҳдан ризқ сўраш одоби туради. Сизлар билан бунинг осон шакли ҳақида гаплашамиз. Яъни энг осонига эътиборингизни қаратаман. Масалан раҳбарингиз олдига иш юзасидан бирор нарсани сўраб кирганингизда, унга эҳтиром кўрсатасиз, паст овозда сўзлайсиз. Кийимингиз ҳам тоза бўлсин, сиздан хушбўй ҳид таралсин ва одоб билан юринг. Сизга қийин бўлган ишларни айтмайман. Албатта, ҳар бир нарсада Аллоҳнинг мисоли бордир: **“...Аъло мисол Аллоҳникидир”** (Наҳл сураси, 60-оят).

Аллоҳга юзланиб ризқ сўраган вақтингизда сўраш одобига кўра тоза, пок ҳолда тавозеъ билан икки ракат намоз ўқинг. Саждада Аллоҳдан хоҳлаганингизни сўранг. Чунки инсон сажда қилганида Аллоҳга энг яқин ҳолатда бўлади. Намозни тугатиб, хоҳлаган нарсангизни жами махлуқот-мавжудотлар Яратувчиси ҳамда Раззоқ бўлган Аллоҳ таолодан шикаста овозда сўранг.

Иккинчиси: қарзни ўташ одоби.

Барчамиз ёки баъзиларимиз кўпинча ўзгалардан қарз бўламиз. Ва ҳамма Аллоҳ таоло ўзидан қарзни кетказишини хоҳлайди. Қуйидагилар қарздан қутилиш дуоларидир:

барокатли қилгин!

نَاكُنْ اِنْ وُهَجَّحْ اَفْضَالَ اِي فَنَاكُنْ اِي سِقْزَرَنَا اِنْ اَمْ هَلْ اِي
كِرَابَفَنَا اِنْ وُهَرْتَكْفَ اَلْيَلَقَنَا اِنْ وُهَرَسَيَفَ اَبِي رَقَنَا اِنْ وُهَبَّرَقَفَ اَدِي ع
هِي فَيَل

2. Унинг азаматидан ҳар бир нарса паст бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин!
Унинг қудрати барчани таслим қилган[\[a1\]](#) Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унинг
иззати олдида барча нарса хор бўладиган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Унинг
мулкига барча нарса қарам бўлган Аллоҳга ҳамд бўлсин!

ءِي شَلْ كَمَلَسَتْ سَا اِي ذَلَالَةً لَلدَّمْحَلْ اِي هَمَطْعَلْ اِي شَلْ كَغَضَاوَتِ اِي ذَلَالَةً لَلدَّمْحَلْ
هَلْ لَمَلْ اِي شَلْ كَغَضَاوَتِ اِي هَمَطْعَلْ اِي شَلْ كَلَذِ اِي ذَلَالَةً لَلدَّمْحَلْ اِي هَمَطْعَلْ اِي شَلْ كَلَذِ اِي ذَلَالَةً لَلدَّمْحَلْ

3. Аллоҳим, Сенга буюклигинг қадар, салтанатинг улуғлигича ҳамд ва
шукрлар бўлсин!

كِنَا طُلْسَمِي طَعَّ وَ كَهَجَّ وَ اَلْحَلَّ اِي غَبْنِي اَمَّ كَرْكُ شَلْ اِي وَ دُمَحْلَلْ كَلْمُ هَلْ

Ризқ зиёда бўлишининг учинчи йўли: бу йўл ҳам синаб кўрилган осон
йўлдир. Буни доимо қўллайман. Эътибор қилганимда эса ризқим зиёда
бўлиб, қалбимда розиликни ҳис этаман (Аллоҳга ҳамд бўлсин, Аллоҳнинг
менга ёзган қазои қадарига розиман). Қалбимга шундай ҳислар келадими,
буни сизларга тушунтириб бероламанми-йўқми, билмайман!.. Аммо
сизларга шуни айта оламанки, энг ёқимли ҳиссиёт бу – Аллоҳдан розилик
ва Аллоҳнинг изни билан барокатли бўладиган ҳалол-покиза ризқдадир. Бу
йўл садақот беришдадир. Ҳа, фақир ва мискинларга садақот беринг.
Молингиздан озгинасини олиб, муҳтожларга бериш билан буни ўзингиз
синаб кўринг. Кўчада юрсангиз, дори сотиб олишга пули, уйида болаларига
беришга егулиги бўлмаган ва шунга ўхшаш кўплаб муҳтожларни
учратасиз. Уларга озгина маблағингиздан ажратиб беринг ва Аллоҳга ҳамд
айтиб, истиффорда давом этинг. Аллоҳнинг изни билан барокатли ҳалол
ризқ келишига гувоҳ бўласиз.

Аллоҳ таоло Билувчи Зотдир.

Аллоҳ йўлидаги ака-ука опа-сингилларим, шуни унутмангки, ризқ
Аллоҳнинг ҳузурида тақсимлангандир. Сизга ёзилган нарса шубҳасиз,
келади. Сизга берилган неъматларга шукр қилишни, Аллоҳнинг қадарига
рози бўлишни асло унутманг! Барчамизга ҳалол ризқ бериши учун Аллоҳ
таолога дуо қиламан. Аллоҳнинг раҳмати, барокати ҳамда тинчлиги
бўлсин!

ҲУМАЙРО тайёрлади.